

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

САЛОМОВ МУРОДУЛЛА НЕЪМАТОВИЧ

**УЗУМ ҚУРИТИШДА ҚУЁШ - ҲАВО ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on technical sciences**

Саломов Муродулла Неъматович

Узум қуритишда қуёш - ҳаво технологиясининг энергия
самарадорлигини ошириш 3

Саломов Муродулла Неъматович

Повышение энергоэффективности солнечно-воздушной технологии
при сушке винограда 19

Salomov Murodulla Ne'matovich

Improving the energy efficiency of solar-air technology
for drying grapes 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works 38

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

САЛОМОВ МУРОДУЛЛА НЕЪМАТОВИЧ

**УЗУМ ҚУРИТИШДА ҚУЁШ - ҲАВО ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
«Техника фанлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
18.2.PhD/T779 рақам билан рўйхатга олинган».

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтининг бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раджабов Абдурахман

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исаков Абдусанид Жалилович

техника фанлари доктори, профессор

Тоиров Зувур Тоирович

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,

**узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот
институтининг**

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институтининг ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг
2020 йил 13 ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент,
Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail:
admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан
рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45;
факс: (+99871)237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «31» Октябр кунини тарқатилди.
(2020 йил «31» Октябр даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

К.Д.Астанакулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби в.б., т.ф.д., к.и.х.

Х.М.Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида замонавий энергия тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида ҳар йили 70-75 млн. тонна узум етиштирилишини ҳисобга олсак»¹, қуритилган узум, яъни кишмиш ишлаб чиқаришда иш сифати ва унумдорлиги юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техник воситалар ва қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга узум қуритишда энергия тежамкор технологиялар ва техник воситаларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қуритилган мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг энергия тежамкор усуллари ва янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, қуритилган мева маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуёш-ҳаво технологиясини такомиллаштириш ва янги техника воситаларини яратиш ҳамда технологик иш жараёнларини асослаш муҳим аҳамият касб этади. Мева маҳсулотларини қуритишда уларга дастлабки ишлов бериш, қуритиш техник воситаларининг бир маромда ишлашини таъминлаш орқали юқори иш сифати ва унуми ҳамда энергия самарадорликка эришиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, узум қуритишнинг янги қуёш-ҳаво технологияси учун такомиллаштирилган техник воситаларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда экологик тоза қуритилган мевалар ишлаб чиқаришда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, узум ва мева-сабзавотларни илғор технологиялар асосида қайта ишлашда уларнинг барча табиий ва фойдали элементларини сақлаган ҳолда юқори самарадорликка эга бўлган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан табиий элементлари юқори даражада сақланган ҳамда витамин, углевод, минерал моддаларга бой мева-сабзавотларни сифатли қуритадиган техник воситаларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига сифати юқори бўлган маҳсулотлар олиш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ <https://www.statista.com/statistics/264001/worldwide-production-of-fruit-by-variety/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз экинларини сотиб олиш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2716-сон «2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этишни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги «2017 - 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-3012-сонли Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 935-сон «Республикада 2019-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига электрофизик таъсирлар асосида энергия тежамкорликка эришиш ва қишлоқ хўжалигида қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)дан фойдаланишнинг назарий ва амалий масалалари бўйича С.А.Ракутько, И.З.Шур, В.М.Варонин, А.М.Басов, Д.М.Червяков, А.В.Ликов, М.А.Филоненко, А.С.Гинзбург В.Н.Карпов, С.К.Шерязов, Л.А.Саплин, Д.С.Стребков ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда қуритиш технологияси ва техникаларини ишлаб чиқиш ва уларни энергетик такомиллаштириш бўйича М.Мирзаев, А.Раджабов, Х.М.Муротов, Г.Г.Умаров, Ш.М.Мирзияев, О.Н.Юсупбеков, Б.П.Шаймарданов, З.С.Искандаров, З.Тоиров, М.Р.Назаров, С.Г.Ильясов, Е.В.Стативкин, О.Т.Ахмедов, А.Воҳидов, А.Боқиев ва бошқалар шуғулланишган.

Олиб борилган ушбу тадқиқот ишларида ишлаб чиқилган узум қуритиш усуллари ва қурилмалари қишлоқ хўжалигида муайян ижобий натижаларга эришган ҳолда фойдаланилмоқда. Аммо бу тадқиқотларда узумни қуритиш жараёнида анъанавий ва ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан биргаликда комплекс фойдаланиш орқали узум қуритишда қуёш-ҳаво технологиясининг самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-4-004-2015 «Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган

фермер хўжаликлар (БваУИФХ) истеъмолчиларни қайта тикланувчи энергия манбаларидан (КТЭМ) комплекс фойдаланишга асосланган локал энергия таъминоти тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017), ВА-ҚХФ-2-005 «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш мисолида)» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрофизик таъсирлардан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб қуёш-ҳаволи узум қуритгичини энергетик самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узум қуритиш, жумладан қуёш-ҳаволи қуритиш технологияси, техникаси ва уларни энергетик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

узум қуритишда электротехнологик ва электрофизик факторларни технологик объектлар ва қуритиш жараёнларига таъсири бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш;

узум қуритишда электр ишлов бериш ва қуритиш технологияларининг режим ва параметрларини асослаш;

ишлаб чиқилган такомиллаштирилган технологияни амалда синаб кўриш ва самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти узумни қуритишнинг энерготехнологик жараёнлари ва уларнинг қайта тикланувчан энергия манбаларига асосланган энергия таъминотидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети узум қуритишда энерготехнологик жараёнларнинг амалга ошиш қонуниятлари ва уларнинг қайта тикланувчи энергия манбалари билан биргаликдаги энергия таъминоти тизимининг параметрлари ва уларни аниқлаш имконини берадиган боғлиқликлар.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида биологик объектларга электрофизик таъсирларни ўрганиш биофизика қонунлари асосида, қуритилманинг электр ишлов бериш режимлари ва параметрларини аниқлашда экспериментларни математик режалаштириш ва регрессиявий таҳлил усулларида, тажриба натижаларига ишлов беришда математик статистика усулларида ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узум қуритишга мўлжалланган анъанавий ва ноанъанавий энергия манбаларига эга такомиллаштирилган қуёш қуриткич ишлаб чиқилган;

қуёш қуритгичининг конструктив параметрлари қуритиш камерасидаги ҳаво ҳарорати ва тезлигини ҳисобга олган ҳолда имитацион модель орқали аниқланган;

қуёш-ҳаволи узум қуритиш технологиясининг режимлари дастлабки электр импульсли ишлов бериши асосланган;

қуритиш камерасини узунлиги ва эни бўйича олинган энергетик кўрсаткичлар ва уларни ўзгариш динамикаси асосида қуёш-ҳаволи қуриткичнинг мақбул параметрлари аниқланган;

маҳсулотга йўналтирилган қуёш энергияси ҳаракатланишида ихтиёрий ўзгартирилиш жараёнини таҳлил қилиш схемаси ва қуёш-ҳаво технологиясининг энергетик самарадорлигини нисбий энергия сифими орқали баҳолаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узум қуритишни энергия самарадор электротехнологияси ва техник воситаси ишлаб чиқилган;

экспериментал тадқиқотлар асосида узум қуритиш учун такомиллаштирилган техник воситаларнинг асосий параметрлари аниқланган; қуёш-ҳаво қуритгичнинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, узумни қуритиш техник воситаларнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган техник воситалар синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуритилган узум сифатининг электрофизик таъсирлар натижасида яхшиланишини илмий асосланганлиги, электр импульсли ишлов бериб, узум қуритиш жараёнини тавсифловчи моделлар ишлаб чиқилганлиги ва олинган моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шу каби қурилмаларнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти узумни қуритишда электр импульсли ишлов беришни қўллаш орқали қуритишга сарфланаётган умумий энергия микдорини 1,8-2,0 баробарга камайтириш, сифатли майиз ишлаб чиқариш билан бирга қуритилган узумнинг ҳар бир килограммидан 8505,9 сўм даромад олиш таъминланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Узум қуритишда қуёш-ҳаво технологиясининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

узум қуритиш учун қуёш қуритгич қурилмасига Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патенти олинган («Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш учун қуёш қуритгичи», №FAP 01312-2018 й.). Натижада такомиллаштирилган қуёш қуритгич қурилмасини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

қуёш-ҳаволи узум қуритиш технологиясининг режимларига эга такомиллаштирилган қуритгич қурилма Тошкент вилояти Паркент тумани «Чанги Сайидумар» фермер хўжалигида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 02/035-1863-сон маълумотномаси). Натижада узум қуритиш вақтини 1,1-1,2 баробар камайтириш имкони яратилган;

курутиш камерасини узунлиги ва эни бўйича қуёш энергиясининг мақбул ҳаракатига эга қуёш-ҳаво қурутиш қурилмаси Бухоро вилояти Шофиркон тумани «Савриддин Мехриддин» ва «Исмоилов» фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 02/035-1863-сон маълумотномаси). Натижада қайта тикланувчи энергия манбаларидан комплекс фойдаланиб такомиллаштирилган қуёш-ҳаво қурутгич қурилмасини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган, 1 та патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқотнинг ишончлилиги уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Узум қурутиш жараёни технологияси ва энергетик кўрсаткичлари таҳлили, Тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикамизда нашр этилган адабий маълумотлар шарҳланган. Жумладан, ўсимлик маҳсулотларини қурутишнинг замонавий технологиялари, узум қурутиш мавжуд технологияси ва электротехнологик ускуналари, узум ва меваларни қурутишда қўлланиладиган мини технологиялар, қуёш-ҳаво қурутиш технологияларининг турлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қуёш-ҳаво узум қурутгичини энергия истеъмол режимларини тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида қуёш-ҳаво қурутгичини иссиқлик-техник характеристикалари ифодалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуёш нурланиши орқали қурутиш жараёнида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини энергетик

баҳолаш методикаси, қуёш-ҳаво қуритгичида энергияни ўзгариш босқичларини энергетик таҳлили келтирилган.

Қуритгични иссиқлик-техник характеристикалари билан танишиш мақсадида унинг ҳар бир элементлари учун энергетик баланслари тузилди.

Ёруғлик ўтказувчи (шишали ёки полиэтиленли) қатлам учун энергетик баланс:

$$\alpha_{\text{юк}} I_{\text{эфф}} F_{\text{ёр.ўт.қ}} = K_{\text{к(ёр.ўт.қ-ҳаво)}} (T_{\text{ёр.ўт.қ}} - T_{\text{ҳав}}) F_{\text{ёр.ўт.қ}} + K_{\text{к(ёр.ўт.қ-атр.м)}} (T_{\text{ёр.ўт.қ}} - T_{\text{атр.м.}}) F_{\text{ёр.ўт.қ}} + K_{\text{р(ёр.ўт.қ-осм.)}} (T_{\text{ёр.ўт.қ}} - T_{\text{осм}}) F_{\text{ёр.ўт.қ}} \quad (1)$$

бунда: $\alpha_{\text{юк}}$ – ёруғлик ўтказувчи қатламнинг иссиқлик ютиш қобилияти;

$I_{\text{эфф}}$ – қуёш нурланиши зичлигини эффе́ктив ўрта соатлик қиймати (Bm/m^2);

$F_{\text{ёр.ўт.қ}}$ – ёруғлик ўтказувчи қатламнинг юзаси (m^2);

$K_{\text{к}}$ – конвектив иссиқлик алмашиш коэффициентлари (Bm/m^2K);

$K_{\text{р}}$ – радиацион иссиқлик алмашиш коэффициентлари (Bm/m^2K);

$T_{\text{ёр.ўт.қ}}$, $T_{\text{ҳав}}$, $T_{\text{атр.м.}}$, $T_{\text{осм}}$ – ёруғлик ўтказувчи қатламнинг ҳавонинг, атроф муҳит ва осмоннинг тегишли ҳароратлари, бу ерда $T_{\text{ҳав}} = T_{\text{осм}}$ деб қабул қилинган.

Қуритилаётган маҳсулотнинг юзаси учун энергетик баланс:

$$\tau_{\text{ёр.ўт.қ}} \alpha_{\text{аб}} I_{\text{эфф}} F_{\text{аб}} = K_{\text{р(аб-ёр.ўт.қ)}} (T_{\text{аб}} - T_{\text{ёр.ўт.қ}}) F_{\text{аб}} + K_{\text{к(аб-ёр.ўт.қ)}} (T_{\text{аб}} - T_{\text{ёр.ўт.қ}}) F_{\text{аб}} + K_{\text{к(аб-ҳав)}} (T_{\text{аб}} - T_{\text{ҳав}}) F_{\text{аб}} \quad (2)$$

бунда: $\tau_{\text{ёр.ўт.қ}}$ – полиэтилен (шишали) юзанинг ёруғлик ўтказиш коэффициентлари;

$\alpha_{\text{аб}}$ – абсорбер (қуритилаётган маҳсулотнинг) иссиқлик ютиш қобилияти;

$F_{\text{аб}}$ – абсорбер (қуритилаётган маҳсулот) нинг юзаси, (m^2);

$K_{\text{к}}$ ва $K_{\text{р}}$ – конвектив ва радиацион иссиқлик алмашувларининг тегишли коэффициентлари (Bm/m^2K);

$T_{\text{аб}}$ – абсорбер (қуритилаётган маҳсулот) нинг ҳарорати.

Маҳсулот юзасидаги ҳаво қатлами (1-чи) учун энергетик баланси:

$$K_{\text{к(ёр.ўт.қ-ҳав.1)}} (T_{\text{ёр.ўт.қ}} - T_{\text{ҳав.1}}) b dx = \dot{m}_{\text{ҳав.1}} C_{\text{ҳав.1}} \frac{dT_{\text{ҳав.1}}}{dx} dx + K_{\text{к(ҳав.1-макс.)}} (T_{\text{ҳав.1}} - T_{\text{макс.}}) b dx \quad (3)$$

бунда: $T_{\text{ҳав.1}}$, $T_{\text{макс.}}$ – маҳсулот юзасидан оқиб ўтаётган ҳавонинг (1-чи) ва қуритилаётган маҳсулотнинг тегишли ҳароратлари;

$\dot{m}_{\text{ҳав.1}}$ – 1-чи қатламдан оқётган ҳаво массасининг сарфи ($кг/с$);

$C_{\text{ҳав.1}}$ – 1-чи ҳаво қатламининг солиштирма иссиқлик сифими ($Ж/кг \cdot K$).

Маҳсулот остидаги ҳаво қатлами (2-чи) учун энергетик баланси:

$$K_{\text{к(макс.-ҳав.2)}} (T_{\text{макс.}} - T_{\text{ҳав.2}}) b dx = \dot{m}_{\text{ҳав.2}} C_{\text{ҳав.2}} \frac{dT_{\text{ҳав.2}}}{dx} dx + \Delta K_{\text{ис.иср}} (T_{\text{ҳав.2}} - T_{\text{атр.мух}}) b dx \quad (4)$$

бунда: $T_{\text{ҳав.2}}$ – 2-чи ҳаво қатламининг ҳарорати;

$\dot{m}_{\text{ҳав.2}}$ – 2-чи қатламдан оқётган ҳавонинг сарфи, ($кг/с$);

$C_{\text{хав.2}}$ – 2-чи ҳаво қатламининг солиштирма иссиқлик сифими, ($\text{Ж}/\text{кг}\cdot\text{К}$);

$T_{\text{атр.мух}}$ – атропо муҳит ҳарорати;

$\Delta K_{\text{ис.иср}}$ – қуритгич остидаги иссиқлик исрофлари коэффиценти ($\text{Вт}/\text{м}^2\cdot\text{К}$).

Қуритиш жараёни моделларини ифодаловчи дифференциал тенгламалар иссиқлик ва масса узатиш қонунларига асосланган. Қуритилаётган маҳсулот ва ҳаво оқими орасидаги энергетик баланси қуйидаги дифференциал тенгламалар билан ифодаланади:

$$\dot{m}_{\text{хав.}} (C_{\text{хав.}} - C_{\text{буғ-хав.}} \varphi) \frac{\partial T_{\text{хав.}}}{\partial y} = \rho_{\text{мах.}} C_{\text{буғ-хав.}} (T_{\text{хав.}} - T_{\text{мах.}}) \frac{\partial M}{\partial t} + \rho_{\text{мах.}} (C_{\text{мах.}} + C_{\text{хав.}} M) \frac{\partial T_{\text{мах.}}}{\partial t} + \rho_{\text{мах.}} L_{\text{мах.}} \frac{\partial M}{\partial t} \quad (5)$$

бунда: $\dot{m}_{\text{хав.}}$ – ҳаво массасининг сарфи ($\text{кг}/\text{с}$); $C_{\text{хав.}}$ ва $C_{\text{буғ-хав.}}$ – ҳаво ва буғ-ҳаво аралашмаларининг тегишли солиштирма иссиқлик сифимлари ($\text{ДЖ}/\text{кг}\cdot\text{К}$); φ – ҳавонинг намлиги; $T_{\text{хав.}}$ – ҳавонинг ҳарорати; y – қуритилаётган маҳсулотнинг қалинлиги (м); $\rho_{\text{мах.}}$ – маҳсулотни солиштирма зичлиги ($\text{кг}/\text{м}^3$); M – маҳсулотни солиштирма зичлиги ($\text{кг сув} / \text{кг қуриган маҳсулот}$);

$L_{\text{мах.}}$ – маҳсулотдан намликни буғлаб чиқарадиган яширилган иссиқлик миқдори, ($\text{ДЖ}/\text{кг}\cdot\text{К}$).

Қуритилаётган маҳсулот ва ҳаво оқими билан иссиқлик алмашувини ифодаловчи тенглама қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\rho_{\text{махс.}} (C_{\text{махс.}} + C_{\text{в}} M) \frac{\partial T_{\text{махс.}}}{\partial t} = K_{\text{в}} (T_{\text{в}} - T_{\text{махс.}}) + \rho_{\text{махс.}} L_{\text{махс.}} \frac{\partial M}{\partial t} \quad (6)$$

бунда: $K_{\text{в}}$ – ҳажмли иссиқлик узатиш коэффиценти ($\text{ДЖ}/\text{м}^3\text{сК}$).

Қуёш-ҳаво қуритгичини фойдали иш коэффицентини қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$\eta = \frac{A}{B} = \frac{L_{\text{махс.}} \sum_{t=1}^{t=24} \varphi^{**}}{3600 F_{\text{махс.}} \sum_{t=1}^{t=24} I_t} \quad (7)$$

бунда: A – маҳсулот намлигини камайтиришга сарфланадиган иссиқлик энергияси; B – қуритгичда 1 суткада йиғилган қуёш энергияси.

Қуритиш камерасининг узунлиги бўйича ҳароратни ўзгариш динамикасини тасвирлаш учун CAD модели «SolidWorks» муҳитида қўриб чиқилди.

Қуритиш камерасининг узунлиги бўйича ҳароратни ўзгариш динамикасини тасвирлаш учун CAD модели «SolidWorks» муҳитида яратилган имитацион модель асосида қуритгичдаги жараёнлар ўрганиб чиқилди. Қуёш-ҳаво қуритгичнинг узунлиги бўйича ички ҳаво ҳарорати ва тезлигини ўзгариши, ҳаво турбулентлиги ҳарорати, тезлиги ва давомийлигини график тасвирлари имитацион моделда аниқланди.

Энерготехнологик жараёни (ЭТЖ) деганда маҳсулотга (истеъмолчи) берилаётган энергия (Q) орқали унга (маҳсулотга) фойдали энергиясини (P) сингдириб керакли натижалар олишдир. Ҳақиқий ЭТЖда энергия исрофлари (ΔQ) кузатилади.

Қуритгичда қуёш энергиясидан самарали фойдаланишни ифодаловчи коэффицент ($K_i^{\text{эсф}}$) деган тушунча қабул қилинди:

$$K_i^{эсф} = \frac{Q_{i+1}'}{Q_{i+1}} \quad (8)$$

бунда: Q_{i+1}' – куёш энергиясидан самарали фойдаланувчи чоралар қўллангандан кейин i -босқичи чиқишидаги энергия миқдори; Q_{i+1} – қўшимча чоралар қўлланмаган ҳолда i -босқичи чиқишидаги энергия миқдори.

Босқич энергия сиғими тушунчасидан фойдаланлган ҳолда энергиядан самарали фойдаланиш коэффициентини янги ифодасини келтирилди:

$$K_i^{эсф} = \frac{\varepsilon_i'}{\varepsilon_i} \quad (9)$$

бунда: ε_i – қўшимча чоралар қўлланмаган ҳолда энергияни ўзгартириш i -босқичидаги жараённинг нисбий энергия сиғими; ε_i' – энергиядан самарали фойдаланувчи чоралар қўллангандан кейин энергияни ўзгартириш i -босқичидаги жараённинг нисбий энергия сиғими.

Куёш ҳаво қуритгичида энергиядан самарали фойдаланишни ҳар бир босқичнинг нисбий энергия сиғими орқали баҳолаш мумкин.

Куёш-ҳаво қуритгичи 3 та энергияни ўзгартириш босқичидан иборат:

1-босқич – қуритиш камерасига плёнка орқали куёш нурларини кириши;

2-босқич – қуритиладиган маҳсулотга иситилган ҳавони ҳайдаш;

3-босқич – иссиқ ҳавони йўналтиргичлар ёрдамида маҳсулот юзаси бўйича текислаш.

Демак, куёш-ҳаво қуритгич босқичларидан энергиядан унумли фойдаланиб энергия технологик жараёнида куёш энергиясидан самарали фойдаланишни 2,37 баробар ошириш мумкин.


Диссертациянинг «**Куёш ва шамол электр станцияси ҳамда узум мевасини куёш-ҳаво қуритиш технологиясини экспериментал тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида куёш ва шамол электр станциясининг параметрларини, узумга қуритишдан олдин электр импульсли ишлов бериш ва қуритиш жараёнининг режим ва параметрларини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Куёш нурланишининг турли интенсивлигида куёш электр станциясининг параметрларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Экспириментал тадқиқотлар асосида июль, август, сентябрь ойларида куёш нурланиши солиштирма қувватини кун давомида ўзгариши қонуниятларининг аналитик ифодалари аниқланди. Фотоэлектр ўзгартиргич токи ва кучланишини куёш радиациясига боғлиқлиги бўйича аналитик ва график ифодалари аниқланди, шунинг билан биргаликда фотоэлектр ўзгартиргичнинг вольт-ампер характеристикалари ҳам аниқланди.

Шамол электр қурилманинг асосий энергетик характеристикаларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар генераторнинг салт ишлаш режими ва юкламада ўтказилди. Шамол электр станциясининг асосий элементи бўлган шамол генераторининг кучланиши ва қувватини айланиш тезлигига боғлиқлик параметрлари аниқланди. Турли юклама ва шамол тезлигида шамол электр қурилма қувватини ўзгариши бўйича аналитик ва график ифодалар олинди.


Эксперимент натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилди. Математик статистика усулларини қўллашда ЭҲМ ёрдамида excel жадвал муҳарриридаги «Регрессия таҳлили» дастуридан фойдаланилди.

Кучланиш миқдорини 5 кВ гача ошириш билан узум мевасини шикастланиш даражаси кескин ошади. Кучланиш ошишини давом эттирганда шикастланиш эффекти камаяди. Бунинг сабаби мева юзасидан оқиб ўтаётган тоқларнинг қиймати ҳажмдан ўтаётган тоқларга нисбатан анча катталигидадир. Натижада меванинг шикастланиш даражаси кескин камаяди (1-расм).



1-расм. «Қора кишмиш» навли узум меваси тўқимаси шикастланиш даражасини электр импульсли разряд кучланишига боғлиқлиги ($C=0,1$ мкФ; разрядлар сони: 1- $n=4$; 2- $n=3$; 3- $n=14$)


Бирламчи импульслар сони ошиши билан хужайрани жонсизланиш даражаси интенсив ошади ва импульслар сони маълум бир сонларидан кейин шикастланиш даражаси ўзгармайдиган ҳолатга келиб қолади. Бу ҳолат мевалар хужайралари максимал жонсизлантирилганлигини билдиради. Хужайраларни тўлиқ жонсизлантириш (ўлдириш) импульслар сони 16-18 ларга тенг бўлганда пайдо бўлади (2-расм).



2-расм. «Қора кишмиш» навли узум меваси тўқимаси шикастланиш даражасини электр импульс кучланиш разрядлар билан боғлиқлиги (U=2 кВ ва 4 кВ; C=0,77 мкФ ва 0,1 мкФ)

Шикастланиш даражасини импульслар сони билан функционал боғланишини ўрганишда қуйидаги қонуниятлар аниқланди.

Тўқима хужайралари орасида шикастланиш даражаси 90 % ошган ҳолда электр импульслар таъсири тўхтаганидан сўнг ҳам 10-15 минут давомида хужайраларнинг шикастланиши давом этаверади.



3-расм. Турли шикастланиш даражасида узум мевасининг нисбий оғирлигининг қуриш вақтига боғлиқлиги: 1-назорат, 2-20, 3-40, 4-60, 5-80, 7-100 % (T=70 °C, V=1,5 м/с)

Бундай ҳодисалар ўсимлик организмларига электр импульсли ишлов бериш жараёнида энергия тежамкорлик ечимларини аниқлашда катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Графикдан (3-расм) қуйидагича хулоса қилиш мумкин, қуритиш камерасидаги ҳарорат ва шикастланиш даражасининг қиймати ошиши билан қуритиш тезлиги ва узумнинг нисбий оғирлиги камайиб боради.

Кодланган қийматларни натурал қийматларга ўтказиб ва тегишли ўзгаришлардан кейин узум қуритиш жараёнида тайёр маҳсулот чиқиши ва қуритиш жараёни давомийлигини ифодаловчи математик моделлари қуйидаги кўринишга келади:

$$B = 39,5 + 7,24T - 15,36V - 0,989S + 0,2TV - 0,02TS + 0,01VS - 0,0632T^2 - 2,36V^2 + 0,042S^2$$


$$\tau = 377,02 - 16,428T - 53,44V - 2,405S + 0,62TV + 0,0036TS - 0,142VS + 0,1112T^2 + 10,64V^2 + 0,0142S^2$$

Математик моделларнинг таҳлилидан қуритиш жараёнини оптимал параметрлари аниқланди. Бу параметрлар билан камрок энергия сарфи билан қуритилган маҳсулотни максимал ҳажми олиниши мумкин: узум учун - $T=60$ °C; $S=80-85$ %; $V=0,5$ м/сек.

Дастлабки электр импульсли ишлов бериш ва қуритиш жараёнини оптимал параметрларини сақлаш орқали узумлар қуритишини 48-54 соатда ўтказиш мумкин. Бунда қуритиб олинган маҳсулотнинг ҳажми 30-26% ни ташкил қилади. Бланшировкали дастлабки ишлов бериш ўрнига, электр импульсли ишлов бериб қуритишни ўтказиш билан жараёнга умумий сарфланаётган энергия миқдорини 1,8-2,0 баробар камайтириш мумкин.

Диссертациянинг «Қуёш-ҳаво қуритгични такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш» деб номлангани бўлимида яратилган такомиллаштирилган қуёш-ҳаво узум қуритиш технологиясини амалиётда жорий этиш бўйича маълумотлар ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Такомиллаштирилган қуёш-ҳаво узум ва мева қуритгич Тошкент вилояти Паркент тумани «Чанги Сайидумар» ва Бухоро вилояти Шофиркон тумани «Савриддин Мехриддин», «Исмоилов» боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида дала шароитида текширув синовлари ўтказилди (4-расм).



4-расм. Тошкент вилояти Паркент тумани «Чанги Сайидумар» фермер хўжалигида ўтказилган тажриба натижалари

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синовлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига электр импульсли ишлов берувчи қурилма, қуритгич, қурилмаларнинг лаборатория нусхаларини дала шароитида тегишли технологик жараёнларни параметрлари ва режимларини таъминлаш бўйича яроқлиги аниқланди.

Дала шароитида синаб кўрилган дастлабки электр импульс бериш ва такомиллашган қуёш ҳаво қуритгич қурилмаларни локал энергия таъминоти тизимини таъминотини қаноатлантиради.

Кичик ва ўрта фермер хўжаликлари учун мўлжалланган қуритилган узум ишлаб чиқариш қуёш-ҳаво қуритгичини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили ҳисобланди:

1. Амортизация ажратмалари (C_a) ҳисоблаш учун қурилманинг умумий нархи аниқланади. Қуёш-ҳаво қуритгичининг умумий баҳоси 14,4 млн сўмни ташкил этади. Қурилмани ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа харажатлар 10 % ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда қурилманинг тахминий баҳоси ҳисобланади:

$$C_o = 14,4 \cdot 1,1 = 15,84 \text{ млн. сўм.}$$

Амортизация коэффиценти ўртача 10 % ни ташкил қилади. Бундай ҳолда йиллик ажратмалар $15,84 \cdot 0,1 = 1,584$ млн. сўм, суткалик $15,84 : 360 = 44$ сўмни ташкил қилади.

Кунига 13,5 кг қуритилган узум ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, 1 кг тайёр маҳсулот учун амортизация баҳоси $C_o = 12,57$ сўм/кг бўлади.

2. Ишчига ўртача ойлик иш ҳақи 600000 сўм/одам миқдорида белгиланади. Бир ойда 405 кг қуритилган узум ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак, 1 кг тайёр маҳсулотдаги иш ҳақининг солиштирма қисми қуйидагича

$$C_3 = 1481,5 \text{ сўм/кг.}$$

3. Ҳом-ашё нарҳини аниқлаш учун узумнинг ўртача улгуржи нарҳларини ҳисобга олдик. Транспорт харажатларани ҳисобга олган ҳолда республикада узумнинг майизбоп навларининг ўртача нарҳи 5000 сўм/кг ни ташкил қилади.

4. Таклиф этилаётган технология бўйича 1 кг қуритилган узумнинг таннархи қуйидагига тенг бўлади

$$C_2 = C_a + C_3 + C_o = 12,57 + 1481,5 + 15000 = 16494,07 \text{ сўм/кг.}$$

1 кг қуритилган узум бўйича корxonанинг даромади

$$D = C_1 - C_2 = 25000 - 16494,07 = 8505,93 \text{ сўм/кг.}$$

$$\text{Рентабеллик даражаси } P = \frac{D_p}{M_o} \cdot 100\% = \frac{8505,93}{1210} \cdot 100 = 70,29\% .$$

Капитал харажатларни қоплаш муддати

$$T = \frac{C_o}{DM_o} = \frac{15840000}{8505,93 \cdot 1210} = 1,53 \text{ мавсум.}$$

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига кўра, қуёш-ҳаво қуритгичини қўллаш натижасида бир мавсумда ($405 \times 3 = 1215$ кг юқори сифатли майиз ишлаб чиқаришини ҳисобга олиб 1 кг қуритилган майиздан 8505,93 сўм соф фойдага кўпайтирилса) олинадиган иқтисодий самара 10334704,95 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Узум қуритишда қуёш-ҳаво технологиясининг энергия самарадорлигини ошириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Узум меваларини қуритиш технологиялари ва техник воситалар конструкциясининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини мукамаллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар узумни қуритишда қўлланилаётган қуёш-ҳаво қуритиш технологияси ва қурилмасини такомиллаштириш имконини яратди.

2. Қуритиш камерасининг узунлиги бўйича ҳароратни ўзгариш динамикасини CAD модели «SolidWorks» дастурида тасвирлаш ҳавонинг ҳарорати камеранинг узунлиги бўйича $65-70$ °C атрофида сақланиши, камерада турбулентлик борлиги учун ҳавонинг ўртача тезлиги 1-4,3 м/сек гача ўзгариши, ҳаво-намлик аралашмасининг зичлиги $1,04-1,07$ кг/м³ ни ташкил этиши аниқлаш имконини берди.

3. Қуёш-ҳаво қуритгичнинг узунлиги бўйича ички ҳаво ҳарорати ва тезлигини ўзгариши, ҳаво турбулентлиги ҳарорати, тезлиги ва давомийлиги моделлари асосида қуритиш камерасини узунлиги ва эни бўйича олинган энергетик кўрсаткичлар ва уларни ўзгариш динамикаси қуёш энергияси билан мева қуритиш жараёнини тўла таъминлаш мумкинлигини кўрсатди.

4. Узум қуритгич қуритиш камераси узунлиги ва эни бўйича олинган энергетик кўрсаткичлар маҳсулотга йўналтирилган қуёш энергияни ҳаракатланишида ихтиёрий *i*-рақамли ўзгартирилиш жараёнини таҳлил қилиш схемаси ва якуний натижани энергетик самарадорлигини нисбий энергия сиғими орқали баҳолаш усулини ишлаб чиқиш имконини берди.

5. Узумга қуритишдан олдин электр импульсли ишлов беришда $U=3-4$ кВ; $C=0,3-0,4$ мкФ; $n=8-18$ дона бўлиши узум хужайраларининг максимал шикастланишини ва қуритишга кетадиган энергиянинг энг минимал бўлишини таъминлайди.

6. Қуёш-ҳаво қуритиш технологиясида $T=60$ °C; $S=80-85$ %; $V=0,5$ м/с бўлганда узумни қуритиш жараёни 48-54 соатни, қуритиб олинган узум ҳажми 26-30 фоизни ташкил этиб, бланшировкали дастлабки ишлов бериш ўрнига электр импульсли ишлов бериб қуритиш қўлланилганда қуритишга сарфланаётган умумий энергия микдорини 1,8-2,0 баробар камайтиришга эришилади.

7. Такومиллаштирилган қуёш-ҳаво қуритгични узумни қуритиш жараёнида қўлланилганда юқори сифатли майиз ишлаб чиқариш билан бирга

маҳсулотнинг таннари 16494,07 сўм/кг бўлишига ва қуритилган узумнинг ҳар бир килограммидан 8505,9 сўм даромад олишга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

САЛОМОВ МУРОДУЛЛА НЕЪМАТОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ СОЛНЕЧНО-
ВОЗДУШНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ СУШКЕ ВИНОГРАДА**

05.05.07 – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/T779.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.tiiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (e-mail: admin@tiiame.uz).

Научный руководитель:

Раджабов Абдурахман

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Исаков Абдусаид Жалилович

доктор технических наук, профессор

Тоиров Зувур Тоирович

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт садоводства,
виноградарства и виноделия им. академика
М.Мирзаева**

Защита диссертации состоится «13» ноября 2020 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер _____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «31» Октября 2020 года.
(протокол рассылки № 1 от «31» Октября 2020 г).



Б.С.Мирзаев

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

К.Д.Астанакулов

И.о. ученого секретаре Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.т.н., с.н.с.

Х.М.Муратов

Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире производство высококачественной продукции на основе использования современных энергосберегающих технологий в процессах переработки сельскохозяйственной продукции занимает ведущее место. «Если учесть что ежегодное производство винограда составляет около 70-75 млн. тонн»¹, разработка энерго- и ресурсосберегающих технологий и технических средств в производстве сушеного винограда - кишмиша является важной задачей аграрного сектора. Вместе с этим уделяется особое отдельное внимание на совершенствование ресурсосберегающих технологий и технических средств сушки винограда.

В мире в большом масштабе ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений и энергосберегающих способов и технологических процессов производства сухофруктов. В том числе обоснованию и совершенствованию технологических процессов воздушно-солнечных технологий производства сушеных продуктов. При обеспечении энергосбережения, высокого качества продукции и производительности труда важное место занимают технологии предварительной обработки сырья, равномерное проведение операций и взаимосвязанная работа технических средств. При этом важна разработка совершенных технических средств новых воздушно-солнечных технологий производства сушеного винограда. В Республике проводятся широкомастабные мероприятия по сокращению труда и энергии при производстве экологически чистых сухопродуктов, энергосбережения, создания высокоэффективных и ресурсосберегающих техники и технологий на основе внедрения передовых технологий переработки плодов, овощей и винограда.

В стратегии дальнейшего действия по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы отмечено, в том числе выполнение следующих задач «... модернизация сельского хозяйства, безукоризненное развитие производства сельскохозяйственной продукции, обеспечение продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистых продуктов, глубокая переработка сельскохозяйственной продукции»². При выполнении этих задач, в том числе для производства плодоовощной продукции с высоким содержанием натуральных пищевых элементов, богатыми витаминами, углеводами и минеральными веществами важное место занимает техническая и технологическая модернизация высокоэффективных технических средств для переработки и производства сухофруктов и получение продукции высокого качества, также снижение их себестоимости. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлений Президента Республики Узбекистан от 12 апреля 2016 года № ПП-2520 «О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной

продукции, картошки и бахчевых культур», и от 6 января 2017 года № ПП-2716 «О дополнительных мерах по развитию организации хранения и глубоко перерабатывающих мощностей плодоовощной продукции в 2017-2018 годы», от 26 мая 2017 года под № ПП-3012 «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальных сферах на 2017 - 2021 годы», Постановления Кабинета Министров от 20 ноября 2018 года под № 935 «О дополнительных мерах по увеличению объемов переработки плодоовощной продукции в республике на 2019-2020 годы» также задачи намеченные в материалах других нормативно-правовых документах служат основой для формирования задач и выполнения диссертации по этой тематике.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлениям развития науки и технологии республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

